

МАШИНАСОЗЛИК КОРХОНАЛАРИ ИШЧИЛАРИНИНГ СТОМАТОЛОГИК САЛОМАТЛИГИНИ ФУНКЦИОНАЛ ВА ПСИХОФИЗИОЛОГИК ҲОЛАТИНИ БАҲОЛАШ



Вохидов Элбек Раҳимович^{1,2}, Ризаев Жасур Алимджанович³

1 - Бухоро давлат тиббиёт институти, Ўзбекистон Республикаси, Бухоро ш.;

2 - Бухоро вилоят ихтисослаштирилган болалар стоматология маркази,

Ўзбекистон Республикаси, Бухоро ш.;

3 – Самарқанд Давлат тиббиёт университети, Ўзбекистон Республикаси, Самарқанд ш.

ОЦЕНКА ФУНКЦИОНАЛЬНОГО И ПСИХОФИЗИОЛОГИЧЕСКОГО СОСТОЯНИЯ СТОМАТОЛОГИЧЕСКОГО ЗДОРОВЬЯ РАБОТНИКОВ МАШИНОСТРОИТЕЛЬНЫХ ПРЕДПРИЯТИЙ

Вохидов Элбек Раҳимович^{1,2}, Ризаев Жасур Алимджанович³

1 - Бухарский государственный медицинский институт, Республика Узбекистан, г. Бухара;

2 - Бухарский областной специализированный детский стоматологический центр,

Республика Узбекистан, г. Бухара;

3 – Самаркандский государственный медицинский университет, Республика Узбекистан, г. Самарканд

ASSESSMENT OF THE FUNCTIONAL AND PSYCHOPHYSIOLOGICAL STATUS OF DENTAL HEALTH AMONG EMPLOYEES OF MACHINE-BUILDING ENTERPRISES

Vohidov Elbek Rakhimovich^{1,2}, Rizaev Jasur Alimdjaniyovich³

1 - Bukhara State Medical Institute, Republic of Uzbekistan, Bukhara;

2 - Bukhara Regional Specialized Children's Dental Center, Republic of Uzbekistan, Bukhara;

3 - Samarkand State Medical University, Republic of Uzbekistan, Samarkand

e-mail: info@sammu.uz

Резюме. Долзарблиги: Саноат корхоналари ишчиларига стоматологик ёрдам кўрсатиши аҳолига тиббий ва профилактик ёрдамни таъмин этишининг энг муҳим тамойилларидан бири бўлиб, у ишчи контингентнинг соғлигига сезиларли таъсир кўрсатади. Шу билан бирга, саноат корхоналарида ишчиларга стоматологик ёрдам кўрсатишининг ягона схемасининг йўқлиги зарарли ва хавфли касбий омиллар таъсирига учраган ишчиларда стоматологик касалликларнинг олдини олиш тизимининг асосий бўғини бўлган дастлабки ва даврий стоматологик кўрикларнинг самарадорлиги ва сифатининг кескин пасайишига олиб келади. Тадқиқотнинг мақсади: Машинасозлик корхоналарида ишчилар учун профилактика, даволаш ва стоматологик реабилитациянинг кенг қамровли тизимини илмий асослаш ва профилактик чора тadbирларини ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга тадбиқ этиши. Тадқиқот усуллари ва объектлари: Машинасозлик корхоналарида турли хил профессионал тажрибага эга бўлган, турли зарарли ишлаб чиқариш омиллари (металл аэрозоллари, органик бирикмалар, шовқин, тебраниши, иссиқлик тебранишлари) натижаси стоматологик касалликлари мавжуд стоматологик беморлар олинди. Тадқиқот натижалари: Машинасозлик корхоналарида ишчиларнинг стоматологик саломатлигини комплекс, кўп йиллик ўрганиш замонавий клиник, инструментал ва лаборатория усулларида фойдаланган ҳолда ўтказилди. Касбий зарарланишлар натижасида стоматологик касалликларнинг ривожланиш қонуниятлари иш стажига ва касбий омиллар таъсирининг интенсивлигига қараб аниқланган. Ушбу популяцияда стоматология патологиясини эрта таъхислаш ва прогноз қилиш мезонлари ишлаб чиқилган. Стоматологик касалликларни босқичма - босқич таъхислаш ва даволаш, маҳаллий биокимёвий кўрсаткичларни нормаллаштириш ва функционал тиклашни ўз ичига олган профилактика ва реабилитациянинг интеграциялашган тизими ишлаб чиқилган ва синовдан ўтказилган. Илмий асосланган ва ўзига хос комплекс профилактика, даволаш ва стоматологик реабилитация тизими яратилди, жумладан, ихтисослаштирилган профилактика чоралари, стоматологик даволашнинг дифференциал усуллари ва физиотерапевтик ва балнеологик омиллардан фойдаланган ҳолда реабилитация дастурлари ишлаб чиқилди ва амалиётга тадбиқ этилди. Ишлаб чиқилган тизим стоматологик касалликларнинг тарқалиши ва оғирлигини сезиларли даражада камайтиради, ишчиларнинг стоматологик саломатлиги ва ҳаёт сифатини яхшилайди, вақтинчалик ногиронликни камайтиради ҳамда меҳнат унумдорлигини оширади. Хулоса. Машинасозлик корхоналари ишчиларнинг стоматологик саломатлигининг функционал ва психофизиологик ҳолатини баҳолади ҳамда беморларнинг стоматологик саломатлигини яхшилаш бўйича керак маслаҳат ва тавсиялар берилди.

Калит сўзлар: машинасозлик корхоналари ишчилари, стоматологик саломатлик, стоматологик даволашнинг дифференциал усуллари, физиотерапевтик ва балнеологик омиллар.

Abstract. Relevance: Providing dental care to workers at industrial enterprises is one of the most important principles of organizing medical and preventive care for the population, which has a significant impact on the health of the workforce. At the same time, the lack of a unified scheme for providing dental care to workers at industrial enterprises leads to a sharp decrease in the effectiveness and quality of primary and periodic dental examinations, which are the main link in the system of preventing dental diseases in workers exposed to harmful and hazardous occupational factors. **Objective of the study:** Scientific substantiation of a comprehensive system of prevention, treatment and dental rehabilitation of workers at mechanical engineering enterprises, development and implementation of preventive measures into practice. **Methods and objects of the study:** Dental patients with various professional experience working at mechanical engineering enterprises, with dental diseases caused by various harmful production factors (metal aerosols, organic compounds, noise, vibration, thermal fluctuations) were recruited. **Research results:** A comprehensive, long-term study of the dental health of workers at mechanical engineering enterprises was conducted using modern clinical, instrumental, and laboratory methods. Patterns of dental disease development resulting from occupational injuries were determined depending on length of service and the intensity of exposure to occupational factors. Criteria for the early diagnosis and prognosis of dental pathology in this population were developed. An integrated system of prevention and rehabilitation was developed and tested, including a step-by-step diagnosis and treatment of dental diseases, normalization, and functional restoration of local biochemical parameters. A scientifically based and unique comprehensive system of prevention, treatment, and dental rehabilitation was created, including specialized preventive measures, differentiated methods of dental treatment, and rehabilitation programs using physiotherapeutic and balneological factors. The developed system significantly reduces the prevalence and severity of dental diseases, improves dental health and quality of life of workers, reduces temporary disability, and increases productivity. **Conclusion.** The functional and psychophysiological state of dental health of mechanical engineering workers was assessed, and necessary advice and recommendations for improving the dental health of patients were provided.

Keywords: mechanical engineering workers, dental health, differentiated dental treatment methods, physiotherapeutic and balneological factors.

Долзарблиги. Машинасозлик корхоналари ишчиларининг стоматологик саломатлиги кариес ва пародонтал патологияларнинг юқори даражада тарқалиши билан тавсифланади, бу эса ишлаб чиқаришдаги зарарли касбий омиллар (чанг, тебраниш, газлар билан ифлосланиш) таъсири билан боғлиқ. Бундай шароитда тўқималарнинг функционал ҳолатини, гигиена кўникмаларини ҳамда стоматологик даволанишга психофизиологик мослашувни ҳар томонлама баҳолаш талаб этилади. Машинасозликдаги замонавий ишлаб чиқариш жараёнлари оғиз бўшлиғи органлари ва тўқималарига салбий таъсир кўрсатувчи бир қатор омиллар — металл аэрозоллари, тебраниш, иссиқлик, шовқин ва органик бирикмалар таъсири билан характерланади. Натижада ушбу соҳада ишловчи ишчилар орасида яллиғланиш ва деструктив пародонт касалликлари, шунингдек чайнов тизимининг функционал бузилишлари юқори частотада учрайди. Анъанавий даволаш усуллариининг самарадорлиги етарли бўлмаган ҳолларда стоматологик даволаш, гигиена ва реабилитацияни бирлаштирган комплекс ёндашувни жорий этиш зарур бўлади [1, 3, 5, 7, 9, 11].

Меҳнатга лаёқатли аҳоли саломатлиги жамоат саломатлигининг энг муҳим кўрсаткичларидан бири бўлиб, у мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига бевосита таъсир кўрсатади. Машинасозлик корхоналарида ишловчилар орасида юқори касалланиш кўрсаткичлари, жумладан соматик, касбий ва иш билан боғлиқ касалликлар учраши, шунингдек иш шароитларининг ноқулайлиги туфайли меҳнат қобилиятининг пасайиши ёки йўқолиши кузатилади. Айниқса

меҳнатга лаёқатли ёшдаги эркаклар орасида юқори ўлим кўрсаткичлари қайд этилиши мавжуд муаммонинг ижтимоий аҳамиятини оширади. Шу билан бирга, меҳнатга лаёқатли аҳоли таркибида кекса ёшдаги шахслар улушининг ортиб бориши ҳам меҳнат салоҳиятининг пасайишига олиб келади.

Машинасозлик корхоналари ишчиларининг умумий тиббий ва стоматологик саломатлигини таъминлашда асосий вазифалардан бири — меҳнат салоҳиятини, ишчиларнинг ҳаёт сифати ва соғлиғини сақлаш, ишлаб чиқаришдаги шикастланишлар, бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликлари оқибатларини камайтириш, шунингдек профилактика ва даволаш хизматларини ўз вақтида таъминлашдан иборат. Бунда тиббий ёрдамнинг мавжудлиги ва самарадорлигини ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Замонавий соғлиқни сақлаш тизимида санонат корхоналари ишчиларига тиббий ёрдам кўрсатишдаги долзарб муаммолардан бири тиббиёт мутахассислари ўртасида таркибий-функционал ўзаро ҳамкорликнинг етарли эмаслиги ҳамда даврий тиббий кўриклардан кейин даволаш ва профилактика чора-тадбирларининг узлуксизлигини таъминлаш механизмларининг тўлиқ йўлга қўйилмаганидир. Шу боис, мазкур муаммони ҳал қилиш ва ишчилар саломатлигини муҳофаза қилишга қаратилган тажрибавий ҳамда гигиеник тадқиқотларни давом эттириш зарурати ўз долзарблигини сақлаб қолмоқда [2, 4, 6, 8, 10].

Тадқиқотнинг мақсади. Машинасозлик корхоналари ишчилари учун профилактика, даволаш ва стоматологик реабилитациянинг кенг қам-

ровли тизимини илмий асослаш, профилактик чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва уларни амалиётга татбиқ этиш.

Тадқиқот усуллари ва объектлари.

Тадқиқот объекти сифатида машинасозлик корхоналарида ишловчи, турли иш стажига эга бўлган ҳамда турли зарарли ишлаб чиқариш омиллари (металл аэрозоллари, органик бирикмалар, шовқин, тебраниш, иссиқлик таъсири) билан узок муддат контактда бўлган ишчилар танланди. Тадқиқотга стоматологик касалликлари мавжуд бўлган беморлар киритилди.

Тадқиқот натижалари.

Машинасозлик корхоналари ишчиларининг стоматологик саломатлигини комплекс, кўп йиллик ўрганиш замонавий клиник, инструментал ва лаборатор усуллардан фойдаланган ҳолда амалга оширилди. Касбий зарарли омиллар таъсири натижасида стоматологик касалликларнинг ривожланиш қонуниятлари иш стаж ва касбий таъсир интенсивлигига боғлиқ равишда аниқланди. Ушбу популяцияда стоматологик патологияларни эрта

ташхислаш ва прогноз қилиш мезонлари ишлаб чиқилди.

Маҳаллий иммунитет кўрсаткичларини ўрганиш машинасозлик корхоналари ходимларида оғиз бўшлиғининг химоя омиллари яққол сусайганини кўрсатди. Специфик маҳаллий иммунитетнинг асосий омили ҳисобланган секретор иммуноглобулин А (sIgA) миқдори ишончли равишда пасайган бўлиб, $124,6 \pm 8,4$ мг/л ни ташкил этди; назорат гуруҳида эса $248,4 \pm 12,6$ мг/л бўлган ($P < 0,001$). sIgA даражасининг 2 мартадан ортиқ пасайиши колонизацион резистентликнинг бузилишига олиб келади ва шартли-патоген микрофлора фаоллашиши учун шароит яратади.


Бактериолитик таъсирга эга лизотсим фаоллиги ҳам ишончли равишда пасайган: $32,4 \pm 2,2\%$ - назорат гуруҳидаги $58,6 \pm 3,4\%$ га нисбатан ($P < 0,001$). Лизоцим фаоллигининг пасайиши оғиз бўшлиғида микроблар билан ифлосланиш даражасининг ошишига хизмат қилади.



Расм 1. Машинасозлик ишчиларида пародонт тўқимасидаги патологик ўзгаришлар



Расм 2. Машинасозлик ишчиларида тиш карашлари ва тиш тошларининг объектив кўрув ҳолати



Расм 3. Текширув олиб борилаётган беморларда микробиологик ҳолати

Яллингланишолди цитокинлар миқдори ишончли равишда ошган:

- Интерлейкин-1 β (ИЛ-1 β) - 86,4 \pm 4,2 пг/мл, назорат гуруҳида 32,8 \pm 2,4 пг/мл (P<0,001).

- Интерлейкин-6 (ИЛ-6) - 54,6 \pm 3,8 пг/мл, назорат гуруҳида 18,2 \pm 1,6 пг/мл (P<0,001).

- Ўсмани некроз омили- α (ТНФ- α) - 72,8 \pm 4,6 пг/мл, назорат гуруҳида 24,4 \pm 2,2 пг/мл (P<0,001).

Яллингланишолди ситокинлар даражасининг ошиши иммун жавобнинг сурункали фаоллашганини кўрсатади. Бу эса пародонт тўқималарининг деструкцияси ва алвеоляр суякнинг резорбциясига олиб келади.

ИЛ-1 β даражаси билан пародонтал чўнтаклар чуқурлиги ўртасида тўғридан тўғри корреляцион боғлиқлик (p=0,68, p<0,001), шунингдек ТНФ- α даражаси билан алвеоляр суяк резорбцияси даражаси ўртасида ҳам тўғридан тўғри боғлиқлик (p=0,64, p<0,001) аниқланди.

Стоматологик касалликларни босқичма-босқич ташхислаш, даволаш, маҳаллий биокимёвий кўрсаткичларни нормаллаштириш ва функционал тиклашга асосланган интеграцияланган профилактика-реабилитация тизими ишлаб чиқилди ва амалиётга жорий этилди. Ушбу тизим касалликлар тарқалиши ва оғирлигини камайтириб, стоматологик саломатлик, ҳаёт сифати ва меҳнат унумдорлигини оширишга хизмат қилади.

Машинасозлик корхоналари ходимларини диспансеризация қилиш стоматологик касалликлар профилактикасининг асосини ташкил этади ва қуйидаги алгоритм бўйича амалга оширилиши лозим.

1-босқич. Скрининг текшируви

Ишга қабул қилиш вақтида ҳамда ҳар йили даврий тиббий кўриклар доирасида барча ходимларга ўтказилади. Қуйидагиларни ўз ичига олади:

- оғиз бўшлиғини визуал кўриқдан ўтказиш;
- КРО \leq 5, RMA=0, ОНІ-S индексларини аниқлаш;
- нокариоз шикастланишларни аниқлаш;
- стоматологик даволанишга эҳтиёжни баҳолаш.

2-босқич. Диспансер гуруҳларига ажратиш

Скрининг натижаларига кўра ходимлар 5 та диспансер гуруҳига ажратилади:

2 гуруҳ - амалда соғломлар (КРО \leq 5, RMA=0, ОНІ-S {1}2,5):

профилактик кўрик - йилда 4 марта; профессионал гигиена - йилда 4 марта; пародонтитни комплекс даволаш; антиоксидант ва иммунокоррекцияловчи терапия.

В гуруҳ - касалликларнинг оғир шакллари (КРО >20, оғир даражадаги пародонтит, эмалнинг кислотали некрози):

профилактик кўрик - йилда 4-6 марта; комплекс даволаш; ортопедик реабилитация; мос ишга жойлаштириш масаласини ҳал қилиш.

3-босқич. Чуқурлаштирилган текширув

3-В диспансер гуруҳларига мансуб ходимларда ўтказилади ва қуйидагиларни ўз ичига олади:

- Ортопантомография - жағ суяк тўқимаси ҳолатини баҳолаш учун;

- оғиз суюқлигининг биокимёвий текшируви (рН, калций, фосфор, МДА, СОД);

- иммунологик текширув (sIgA, лизотсим, ИЛ-1 β);

- микробиологик текширув (пародонтит бўлганда кўрсатмага кўра).

Компенсацияланган шакл: КРО ёш меъёридан ошмайди, 1 йил давомида янги кариоз коваклар пайдо бўлмайди, оғиз бўшлиғи гигиенаси яхши, сўлак рН >6,8.

Субкомпенсацияланган шакл: КРО ёш меъёридан 1,5–2 марта юқори, йилига 1–2 та янги кариоз ковак пайдо бўлади, гигиена қониқарли, сўлак рН 6,5–6,8.

Декомпенсацияланган шакл: КРО ёш меъёридан 2 мартадан ортиқ юқори, кўп сонли кариес (йилига 3 тадан ортиқ янги ковак), гигиена қониқарсиз, сўлак рН 6 мм, суяк резорбцияси илдиз узунлигининг 1/2 қисмидан кўп, тишлар ҳаракатчанлиги 2-3 даража, р>5, чўнтаклардан йиринг оқиши.

Асосий омиллар ва соғлиқ ҳолати:

- Касбий хавфлар: Чанг, шовқин, тебраниш, ҳарорат ўзгариши ва газ билан ифлосланиш оғиз бўшлиғи касалликлари хавфини сезиларли даражада оширади.

- Стоматологик ҳолати: Соғлиқни ўз-ўзини баҳолаш кўпинча "қониқарли" бўлади, ишчиларнинг катта қисми муаммоларни иш шароитлари билан боғлайди.

- Гигиена: Гигиена маданияти даражасини баҳолаш кўпинча ходимларнинг касалликларнинг олдини олиш, жумладан, тишларни тўғри ювиш учун масъулиятини ошириш зарурлигини кўрсатади.

Психофизиологик жиҳатдан стрессга чидамлилиқ ва меҳнат шароитларининг инсон ҳолатига таъсирини баҳолаш муҳим. Бу омиллар касаллик ривожланиши хавфига таъсир қилиши мумкин. Шунинг учун зарарли таъсирларни камайтириш, профилактикани кучайтириш ва иш жойига яқин стоматологик ёрдамни ташкил этиш тавсия этилади.

Хулоса. Машинасозлик корхоналари ишчиларнинг стоматологик саломатлигининг функционал ва психофизиологик ҳолатини баҳоланди ҳамда беморларнинг стоматологик саломатлигини яхшилаш бўйича керак маслаҳат ва тавсиялар берилди.

Литература:

1. Аляветдинов Р.И. Роль профилактических мероприятий в охране здоровья работающих с вредными условиями труда. 2004г. М.- Дисс. доктора медицины НИИ РАМН общ здоровья. 314 с.
2. Близнюк В.Д. Проблемы здоровья населения Российской Федерации в 21 веке. // Гигиена и санитария 2001 г. - № 4, С. 68-70.
3. Ризаев Ж. А., Абдуллаев А. С., Кубаев А. С. Перспективы лечения невритов в комплексе с этилметилгидроксипиридина сукцинат и комбилипен //Современная медицина: новые подходы и актуальные исследования. – 2022. – С. 20-24.
4. Ризаев Ж. А., Адилова Ш. Т., Пулатов О. А. Обоснование комплексной программы лечебно-профилактической стоматологической помощи населению Республики Узбекистан //Аспирант и соискатель. – 2009. – №. 4. – С. 73-74.
5. Ризаев Ж. А. и др. Использование светодиодного излучения в стоматологии (обзор литературы) //Stomatologiya. – 2017. – №. 4. – С. 73-75.
6. Ризаев Ж. А., Мусаев У. Ю. Влияние условий внешней среды на степень пораженности населения стоматологическими заболеваниями //Врач-аспирант. – 2009. – Т. 37. – №. 10. – С. 885-889.
7. Ризаев Ж. А. и др. Значение коморбидных состояний в развитии хронической сердечной недостаточности у больных пожилого и старческого возраста //Достижения науки и образования. – 2022. – №. 1 (81). – С. 75-79.
8. Ризаев Ж. А., Гафуров Г. А. Влияние общесоматической патологии на стоматологическое здоровье //Пародонтология. – 2017. – Т. 22. – №. 1. – С. 11-14.
9. Ризаев Ж. А., Назарова Н. Ш. Состояние местного иммунитета полости рта при хроническом генерализованном парадонтите //Вестник науки и образования. – 2020. – №. 14-4 (92). – С. 35-40.
10. Ризаев Ж. А., Хакимова С. З., Заболотских Н. В. Результаты лечения больных с хроническим болевым синдромом при дорсопатии бруцеллезного генеза //Uzbek journal of case reports. – 2022. – Т. 2. – №. 3. – С. 18-25.
11. Ризаев Ж. А., Назарова Н. Ш., Кубаев А. С. Особенности течения заболеваний полости рта у работников производства стеклопластиковых конструкций //Вестник науки и образования. – 2020. – №. 21-1 (99). – С. 79-82.
12. Ризаев Ж. А., Саидов М. А., Хасанжанова Ф. О. Статистический анализ информированности кардиологических и кардиохирургических пациентов о высокотехнологичной медицинской помощи в Самаркандской области //Вестник науки. – 2023. – Т. 1. – №. 11 (68). – С. 992-1006.
13. Ризаев Ж. А., Нурмаматова К. Ч. Некоторые факты развития стоматологической службы в Республике Узбекистан //Stomatologiya. – 2018. – №. 2. – С. 5-8.

ОЦЕНКА ФУНКЦИОНАЛЬНОГО И ПСИХОФИЗИОЛОГИЧЕСКОГО СОСТОЯНИЯ СТОМАТОЛОГИЧЕСКОГО ЗДОРОВЬЯ РАБОТНИКОВ МАШИНОСТРОИТЕЛЬНЫХ ПРЕДПРИЯТИЙ

Вохидов Э.Р., Ризаев Ж.А.

Резюме. Актуальность: Оказание стоматологической помощи работникам промышленных предприятий является одним из важнейших принципов организации медико-профилактической помощи населению, что оказывает существенное влияние на здоровье рабочего контингента. Вместе с тем, отсутствие единой схемы оказания стоматологической помощи работникам промышленных предприятий приводит к резкому снижению эффективности и качества первичных и периодических стоматологических осмотров, являющихся основным звеном системы профилактики стоматологических заболеваний у работников, подверженных воздействию вредных и опасных профессиональных факторов. Цель исследования: Научное обоснование комплексной системы профилактики, лечения и стоматологической реабилитации работников машиностроительных предприятий, разработка и внедрение в практику профилактических мероприятий. Методы и объекты исследования: Были взяты стоматологические больные с различным профессиональным опытом работы на машиностроительных предприятиях, имеющие стоматологические заболевания, вызванные различными вредными производственными факторами (металлические аэрозоли, органические соединения, шум, вибрация, тепловые колебания). Результаты исследования: Комплексное многолетнее изучение стоматологического здоровья работников машиностроительных предприятий проводилось с использованием современных клинических, инструментальных и лабораторных методов. Закономерности развития стоматологических заболеваний в результате профессиональных травм определены в зависимости от стажа работы и интенсивности воздействия профессиональных факторов. Разработаны критерии ранней диагностики и прогнозирования стоматологической патологии в данной популяции. Разработана и апробирована интегрированная система профилактики и реабилитации, включающая поэтапную диагностику и лечение стоматологических заболеваний, нормализацию и функциональное восстановление местных биохимических показателей. Создана научно обоснованная и уникальная комплексная система профилактики, лечения и стоматологической реабилитации, в том числе разработаны и внедрены в практику специализированные профилактические мероприятия, дифференцированные методы стоматологического лечения и программы реабилитации с использованием физиотерапевтических и бальнеологических факторов. Разработанная система значительно снижает распространенность и тяжесть стоматологических заболеваний, улучшает стоматологическое здоровье и качество жизни работников, снижает временную инвалидность и повышает производительность труда. Заключение. Проведена оценка функционального и психофизиологического состояния стоматологического здоровья работников машиностроительных предприятий, а также даны необходимые советы и рекомендации по улучшению стоматологического здоровья пациентов.

Ключевые слова: работники машиностроительных предприятий, стоматологическое здоровье, дифференцированные методы стоматологического лечения, физиотерапевтические и бальнеологические факторы.